ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

2004-yil, 23-aprel, 17(606)-son

Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

☑ ***Тошкентда Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда, даставвал, парламентнинг ўн тўртинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар, хусусан, давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижроси масаласи муҳокама қилинди.***

***Шундан сўнг комиссия аъзолари "Оила кодекси"нинг болаларни оила тарбиясига олиш (патронат)га доир қисмининг Тошкент шаҳридаги ижросини таҳлил қилдилар.***

☑ 18 апрел куни Лондонда бўлиб ўтган Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йиғилишида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ислом тараққиёт банки ўртасида қиймати 23,8 миллион АҚШ долларига тенг молиявий шартнома имзоланди.

☑ ***Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институтида "Терроризм — инсоният душмани" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Терроршилик ҳаракатларининг асл моҳияти, уни амалга оширишдан кўзланадиган мақсадлар таҳлилига бағишланган ушбу семинар олий ўқув юртларида олиб борилаётган тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди.***

☑ Мамлакатимиздаги Европа Уйи раҳбари Питер Редиш республика оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Бўлиб ўтган матбуот анжуманида яқин кунлардаги муҳим сана, яъни Шарқий ва Марказий Европанинг 10 давлати Европа Иттифоқига аъзоликка қабул қилиниши хусусида сўз борди.

☑ ***Пойтахтимиздаги Банклар уюшмасида Осиё Тараққиёт банки томонидан республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ажратилган учта грант лойиҳасини амалга ошириш бўйича тақдимот маросими ўтказилди.***

OLIY MAJLIS XIV SESSIYASI OLDIDAN

# СОҲАМИЗ ҚОНУНЛАРИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Шу йилнинг 29 апрелида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси кун тартибига "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонунлар лойиҳаси ҳам киритилган.***



**Мазкур қонун** лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил, 30 майдаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 6 июндаги Қарори ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган "2002-2010 йилларда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури"га асосан Вазирлар Маҳкамасининг ташаббуси билан ишлаб чиқилди.

Президентимиз И.Каримовнинг 2001 йил, май ойидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қилган маърузасида маъмурий ислоҳотнинг асосий йўналишларидан бири илғор ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, кераксиз ҳисоботчилик ва қоғозли ҳужжат айланишини қисқартириш асосида давлат бошқаруви тизимининг ишини босқичма-босқич замонавийлаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича чораларни амалга жорий қилиш ҳақида айтиб ўтилган эди.

"Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши электрон ҳужжат айланиши соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратишга имкон туғдириб, ҳужжат алмашиш тизимини такомиллаштиришга, электрон ҳужжат алмашувининг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда қоғозли ҳужжат айланишининг улушини пасайтиришга ёрдам беради.

"Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси 19 моддадан иборат бўлиб, унда электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий мақоми ва унинг реквизитлари аниқланган. Лойиҳанинг 7-моддасига мувофиқ, электрон ҳужжат қоғоз жисмдаги ҳужжатга тенг бўлиб, ҳуқуқий кучга эгадир. 10, 11, 12, 13-моддаларда электрон ҳужжат айланиши қатнашувчилари аниқланган. Электрон ҳужжатларни сақлаш ва уларни муҳофаза этиш тартиби 16 ва 17-моддаларда ўз аксини топган.

(Давоми 2-бетда.)

# ТАТУда
## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

***Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат маркази", "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, "Ижтимоий фикр" маркази, Юнусобод тумани ҳокимлиги, Тошкент маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамкорлигида "Ўзини-ўзи бошқариш ва миллий анъаналар" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Уни ТАТУ 1-проректори, профессор Неъматилла Мўминов кириш сўзи билан очди.***

— **Миллий урф-одатлар,** маросим ва анъаналаримизнинг ёшлар маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида кўп гапирилган, — деди Н.Мўминов. — Миллий қадрият сифатида давом этиб келаётган ўзини-ўзи бошқаришни бугунги кун жамиятига янада кенг жорий этиш ва уни ривожлантириш тараққиётга эришишнинг муҳим омили эканлиги ҳақида эса кўплаб тажрибалар мавжуд. Семинарни ўтказишдан мақсад ҳам урф-одат, маросим ва анъаналаримизнинг шахс маънавий камолотидаги ўрни, ўзини-ўзи бошқаришни кенг жамоатчиликка татбиқ этишнинг аҳамияти ва жорий этиш йўллари ҳақида шу кунгача тўпланган янги маълумотларни яна бир бор ўртоқлашиб олиш ҳамда уларни ёшларимиз онги ва идрокига сингдириш йўллари ҳақида фикрлашишдир.

Семинарда сўзга чиққан Юнусобод тумани ташкилий ва назорат гуруҳи раҳбари Д.Тошхўжаева ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши раиси Б.Убайдуллаевлар мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, семинар ишига муваффақиятлар тиладилар. Шундан сўнг, Республика "Маънавият ва маърифат маркази" раҳбарининг ўринбосари С.Олимовнинг "Меҳр ва мурувват йилининг моҳияти", Тошкент маданият институти проректори, профессор М.Бекмуродовнинг "Ўзини-ўзи бошқаришда менталитет хусусиятлари", "Ижтимоий фикр" маркази директорининг ўринбосари О.Отамирзаевнинг "Маҳалла, анъана – жамоатчилик кўзгусида", Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Гуманитар таълим ва шахс камолоти бош бошқармаси бошлиғи Э.Набиевнинг "Талабалар уйларида ўзини-ўзи бошқариш масалалари" ва университет талабалар шаҳарчаси ҳокими Ф.Алиевнинг "ТАТУ талабалар уйида ўзини-ўзи бошқариш тажрибасидан" мавзусидаги маърузалари тингланди.

Маърузалар юзасидан қисқача муҳокамалар ва маҳаллалар фаоллари чиқишлари бўлиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида ТАТУ ижтимоий кафедраларида секция йиғилишлари ўтказилди.

**Э.КАРИМОВА,**
**ТАТУ "Маънавият ва маърифат" бошқармаси бошлиғи**

OBUNA –2004

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

**"Xabar"** газетасига 2004 йил иккинчи ярим йиллиги учун обуна давом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

**Нашр кўрсаткичи:**

Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.

Ташкилотлар учун — 228.

"Xabar" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, обуна бўлишга шошилинг!

БИЛДИРИШ!

**Азиз муштарийлар!**

"Xabar" газетаси таҳририяти манзили ўзгарганлигини маълум қиламиз.

**Манзилимиз:** Тошкент – 60, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй.

MUNOSABAT

# КЕЛАЖАК ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ДАДИЛ ҚАДАМ

***Ҳозирги кунда дунё мамлакатларининг ўзаро муносабатлари шу қадар интеграциялашиб кетганки, уларнинг ҳеч бири бутунлай мустақил равишда, яъни бошқалар билан турли муносабатларга эга бўлмасдан, алоҳида мавжуд бўла олмайди. Лекин шу билан бирга, уларнинг ҳар бири бошқаларга мумкин қадар боғлиқ бўлмасликка, тайёр маҳсулот импортини камайтиришга, четга эса, асосан, илғор технологиялар каби интеллектуал маҳсулотлар чиқариш орқали ўз халқининг фаровонлик даражасини оширишга ҳаракат қилади. Ҳар бир мамлакат келажаги, халқининг турмуш тарзи биринчи галда аҳоли билим савиясига, илм-фаннинг ривожланганлик даражасига боғлиқ.***



**Мамлакат** аҳолисининг саводхонлик даражаси ҳар бир фуқаро олган таълим йиллари сони йиғиндисининг аҳоли умумий сонига нисбати кўринишда баҳоланади. Табиийки, бу коэффициент қанчалик катта бўлса, мамлакат саводхонлик даражаси шунчалик юқори ҳисобланади. Таълим олган йилларга мактабгача тарбия йиллари, бошланғич ва ўрта мактабдаги ўқиш даври, лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олинган йиллар, олий ўқув юртидаги таълим ва ундан кейинги босқичдаги билим олиш жараёни (магистратура, аспирантура, докторантура, малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш курслари, иккинчи мутахассисликни эгаллаш учун сиртқи таълим ва ҳоказолар) киради. Шундай экан, агар ҳар бир фуқаро олий маълумотли бакалавр бўлишга эришган тақдирда ҳам, саводхонлик коэффициенти тахминан 20ни ташкил этади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу кўрсаткич 30 ва ундан юқори бўлишига эришилган. Бундай юқори кўрсаткичларга фақат таълим жараёнининг узлуксиз ташкил қилиниши, иш билан ўқишнинг параллел равишда олиб борилиши орқалигина эришиш мумкин. Ҳозирги кунда бу масала республикамиз таълим тизимининг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. XXI аср ахборот асрининг истиқболли таълим тизими деб ҳисобланаётган "Масофавий таълим тизими" ушбу муаммони ҳал қилишда асосий ўринни эгаллайди.

Масофадан ўқитиш тизимининг ўқитувчи ва ходимлар малакасини ошириш жараёнига татбиқ қилиниши айниқса катта самара беради. Маълумки, ҳозирги анъанавий тизим бўйича маълум ҳажмдаги билим ва малакага эга бўлиши лозим бўлган ҳар бир ходим белгиланган муддат ўтгандан сўнг (масалан, олий ўқув юртлари ўқитувчилари учун бу муддат 3 йилдан иборат) мажбурий равишда ўз малакасини ошириш учун таълим олмоғи лозим. Малака ошириш учун ходим ўз соҳаси бўйича белгиланган ўқув юртига бориб, кўпинча ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, маълум муддат таҳсил олиб қайтади. Ушбу тизимнинг ўзига хос камчиликлари мавжуд.

– Биринчидан, малака олиш жараёни узлуксиз эмас. Ҳозирги илм-фан тараққиёти узлуксиз ва юксак бўлган пайтда, масалан, ўқитувчи учун 3 йил жуда катта муддат. Бу вақт оралиғида яратилган янги технологиялардан ходим деярли бехабар бўлади;

– иккинчидан, агар ходим доимий равишда ўз билим ва малакасини ошириш устида иш олиб борган бўлса ва ўз соҳаси бўйича илғор технологиялардан хабардор бўлса ҳам, муддати келганда у малака ошириш курсини ўташга мажбур;

– учинчидан, кўпинча ходим малака ошириш учун бошқа шаҳар ёки вилоятда маълум муддатга хизмат сафарида бўлишига тўғри келади, бунинг учун эса ортиқча сарф-харажатлар талаб қилинади;

– тўртинчидан, ходимнинг малака ошириш даврида унинг ишдаги ўрнига бошқа ходимни жалб қилишга тўғри келади. Бу эса маълум миқдорда иш сифатига таъсир қилиши мумкин. Бундан ташқари, унинг вазифасини бажарувчи учун маош сифатида қўшимча харажат қилинади.

Агар замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан ўқитиш тизими малака ошириш жараёнига татбиқ этилса, юқорида кўрсатилган камчиликларнинг барчаси ўз-ўзидан бартараф бўлади. Фақат ходимнинг ўз иш фаолиятини давом эттириши учун зарур бўлган билим меъёрини белгиловчи тизимни ишлаб чиқиш ва унинг асосида мунтазам равишда назорат (аттестация) ўтказиб туриш кифоя бўлади.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларида кроссворд, сканворд, ребус сингари бошқотирмалар чоп қилиш, тўғри жавоблар учун маълум миқдордаги мукофотлар белгилаш кенг тарқалган. Бу ҳам аҳоли билим савиясини ошириш учун масофадан ўқитиш усулларидан биридир. Лекин одатда, бундай бошқотирмалар кенг халқ оммасининг умумий дунёқарашини кенгайтиришга мўлжалланган бўлади. Агар уларнинг баъзилари маълум бир соҳа мутахассисларига ёки ўрганувчиларига мўлжалланиб, махсус ўқув дастури асосида режали бериб борилса, янада самаралироқ ва мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Республикамиз телеканаллари (кўпроқ "Ёшлар" телеканали) орқали тарихимиз, маънавиятимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз, адабиётимизга тааллуқли тест кўринишидаги сабоқлар, чет тилидан ўқув кўрсатувлари мунтазам равишда бериб борилади. Лекин уларнинг нисбий салмоғи жуда кам. Агар ушбу каналлар орқали математика, физика, кимё, география (BBC телекомпаниясининг "National Geographу", "Wild World" кўрсатувлари сингари) ва бошқа фанлар ҳамда соҳалар бўйича ҳам кўпроқ ўқув кўрсатувлари ташкил қилинса, масофадан ўқитиш тизими сезиларли даражада самара бера бошлар эди.

Масофадан ўқитишнинг қайси соҳага жорий этилишини олиб қарамайлик, унинг фойдадан холи эмаслигини кўришимиз мумкин. Ушбу таълим тизимини жорий қилиш замон талаби эканлигини англаб етган ҳолда, республикамизда таълимнинг масофадан ўқитиш усулидан фойдаланишни йўлга қўйиш учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Улардан энг асосийси – яқинда "Ўзбекистон Республикасида масофавий таълим тизимини яратиш ва ривожлантириш концепцияси" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, муҳокамага қўйилганлиги бўлди. Ушбу лойиҳада, аввало, мамлакатимизда масофавий таълим тизимига бўлган зарурат, унинг долзарблиги чуқур асослаб берилган. Дарҳақиқат, дунёда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилаётган ушбу кунда бизнинг ҳам бундай имкониятлардан таълим тизимида кенгроқ фойдаланишимиз вақти етиб келди. Агар фан-техника тараққиёти жадаллик билан юксалиб борса, яқин келажакда масофадан ўқитиш усули таълимнинг энг қулай, фойдали, қизиқарли, самарали ва улкан имкониятларга эга бўлган турига айланади.

Концепция лойиҳасида масофадан ўқитиш тизимининг асл моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари, асослари, мақсад ва вазифалари, кутилаётган натижалари, ривожланиш босқичлари ва истиқболлари ҳам батафсил ёритиб берилган.

Мазкур концепция ушбу кунда мутахассислар ўртасида қизғин муҳокама қилинмоқда. Хусусан, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти жамоаси томонидан ушбу лойиҳа атрофлича муҳокама қилиниб, тўла қўллаб-қувватланди ва ўз вақтида таклиф қилинган илғор технология, деб ҳисобланди. Агар у қабул қилинса, келажак таълим тизимига дадил қадам қўйган бўламиз.

**Аъзамбек ТЎРАҚУЛОВ,**
**Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтининг "Иқтисодиётда ахборотлар тизими" кафедраси мудири**

OLIY MAJLIS XIV SESSIYASI OLDIDAN

# СОҲАМИЗ ҚОНУНЛАРИ: ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)**

Кейинги йилларда электрон тижоратнинг шиддатли ўсиш босқичи кузатилмоқда. Хусусан, АҚШда тижорат битимларининг 20 фоизга яқини ахборот тизимлари, жумладан, Интернет тармоғи орқали амалга оширилади. Европа Иттифоқи, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Россияда электрон савдо ҳажмининг ўсиш суръати ошмоқда. Электрон тижорат ўсиш суръатини тезлаштириш ва хорижий шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида электрон битимлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш зарур.

"Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда электрон тижорат соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос яратиш билан бирга республикамизнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига янада интеграциялашувига ёрдам беради.

"Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси 14 моддадан иборат. Лойиҳанинг 4 ва 5-моддаларида электрон тижорат иштирокчилари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланган. 8 ва 9-моддалар электрон тижоратда шартномалар тузиш тартиби ва шартини белгилайди. 10 ва 11-моддаларда оферта қилиш таклифи (шартнома тузишга таклиф) бўйича меъёрлар, оферта жўнатувчининг ҳуқуқий ҳолати, унинг товарлари (ишлари, хизматлари), нархлари, уларни сотиб олиш шартлари тўғрисида ишончли тасаввурлар ҳамда электрон тижоратда офертага талаблар келтирилган.

Қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштириш Кенгашининг қарори билан ташкил қилинган манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жумладан, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакилларидан тузилган ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилган. Уни ишлаб чиқиш вақтида амалдаги қонунлар ўрганиб чиқилди ва халқаро ташкилотларнинг тавсиялари (БМТ ЮНСИТРАЛ намунавий Қонуни, Европа Иттифоқининг 1999/93/ЕС Директиваси), шунингдек, МДҲ мамлакатларининг (Украина, Беларус, Россия, Туркманистон ва Қозоғистон) тажрибалари инобатга олинди.

Ушбу Қонунлар лойиҳаси Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштириш Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари бўйича қўмитасида кўриб чиқилган.

Шунингдек, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонунлар лойиҳаси 2003 йил, 11-12 декабр кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинди ҳамда умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Муҳокама вақтида лойиҳалар юзасидан кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари бўйича қўмитаси қошида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилиб, иккинчи ўқишга тайёрланди.

**Серик АВГАНБАЙЕВ,**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ахборотлаштириш, дастурий маҳсулотларнинг жорий этилишини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи**

ЭЪЛОН! Xabar газетаси ўз саҳифаларида корхона ҳамда ташкилотлар, хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, туғилган кун, никоҳ тўйи муносабати билан табрик-қутловларни, олди-сотди билан боғлиқ турли хил хусусий эълонларни чоп этишини маълум қилади.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент шаҳри, 700060, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй.**
**"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали биноси, 3-қават, 22, 23-хоналар.**
**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
**133-36-48, 136-36-42, 136-35-29.**

## ЁНҒИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Содир бўлаётган ёнғинлар оқибатида қанчадан-қанча одамлар жабр тортаётгани, турар-жойлар вайрон бўлиб, култепага айланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ёнғинларнинг олдини олиш борасида қатъий чоралар кўрилмоқда.

Юнусобод тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими сизларга қуйидаги эҳтиёт чораларини яна бир бор эслатади:

- Чордоқ ва ертўла эшикларини доимо қулфлаган ҳолда, назорат қилиб туринг;
- яшаш жойингизда ва маҳаллангизда тунги вақтда навбатчилик уюштиринг;
- бино атрофида, болалар майдончалари яқинида ташлаб кетилган бегона машиналар, ҳар хил қути ёки шубҳали одам ва буюмларга эътибор беринг;
- маҳаллалардаги бинолар, уйлар ҳамда шахсий хонадонларда ахлат чиқиндилари, шох-шаббалар ва хазонларнинг ёқилишига йўл қўйманг;
- уйдан қисқа вақтга чиқсангиз ҳам электр ва газ иситиш асбобларини ўчиринг, ҳеч қачон ёш болаларингизни ёлғиз қолдирманг.

Сизни хавотирга солаётган ҳар бир савол бўйича қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:

02 ёки 135-00-02 — туман ИИБ навбатчи хизмати,
01 ёки 134-52-35; 139-42-81 — туман ёнғин хавфсизлиги бўлими
137-52-31 — туман ҳокимлиги.

**Юнусобод тумани ЁХБ**

# ШУ СОҲАНИНГ ОДАМИ



***"Хоразм Телеком" филиалининг Қўшкўпир телекоммуникациялар боғламасида алоқа соҳасидаги ютуқларни ҳаётга кенг жорий этиш, алоқа хизмати сифатини янада яхшилаш, белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, замонавий телефон станцияси мосламалари бузилишининг олдини олиш, уларни тез-тез техник кўрикдан ўтказиб туриш, қишлоқ АТСлари узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи ва ички кўринишини замонавий ҳолатга келтиришга эътибор қаратилди. Очиқ алоқа симлари кабелларга алмаштирилганлиги, линияларнинг ихчамлаштирилганлиги хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланишига олиб келди.***

**Жорий** йилнинг биринчи чорагида телекоммуникациялар боғламаси 41 миллион сўмдан зиёд даромад қилди, аҳолига 26,7 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Олинган даромад ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 118 фоизни, аҳолига кўрсатилган хизмат эса 117 фоизни ташкил қилди.

– Қўшкўпир телекоммуникациялар боғламаси вилоятимиздаги илғор жамоалардан бири ҳисобланади, – дейди "Хоразм Телеком" филиали директори Ортиқбой Оллаберганов. – Бунга сабаб туман боғламаси бошлиғи Отабой ака Полвоновнинг саъй-ҳаракати ва ишнинг кўзини билишидир. Ҳар бир топшириқни тезкорлик билан охиригача ижро этишга ва вазифасини сидқидилдан бажаришга ўрганган бу инсон ўзига ва қўл остидагиларга талабчан раҳбардир. Боғлама идорасининг атрофи чиройли, ободонлаштириш ишларига катта эътибор қаратган. Туман ҳудудидаги ҳаво ва ер ости кабел линиялари сифатли тортилган, капитал таъмирлаш ишлари ҳам ўз вақтида меъёрдагидек бажарилади. Вилоят бўйича ўтказиладиган семинар ва йиғилишларда ҳам Қўшкўпир туманининг бой тажрибаси бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилади.

Дарҳақиқат, Қўшкўпир туманида йўлга қўйилган самарали ишлардан ўрнак олиб, бошқа туманларда ҳам алоқа линия хўжалигини тартибга келтириш, хавфли кесишмаларни бартараф этиш, барча цех участкаларида техник ҳужжатларни тўлиқ ва аниқ юритиш бўйича талаблар кучайтирилмоқда.

Мазкур телекоммуникациялар боғламасида шахтадаги кабеллар батартиб, алоҳида жойлаштирилган ва ҳар бирига рақамлар осилган. Мосламага уланган жойлари белгиланган меъёрга мос келади. Кабелдан ҳаво чиқарилса, мослама дарров уни ҳаво билан тўлдиради. Электр энергияси ўчган тақдирда, ихчам электростанция дизеллари ишга туширилади. Умуман олганда, боғламада барча асбоб-ускуналар меъёрида ишламоқда ва иш ўринлари сарамжом-саришта ҳолатга келтирилган.

Вилоят алоқа соҳасининг фахрий ходимларидан бири Оллаберган Матниёзов ҳамкасби ҳақида қуйидагиларни баён қилди:

– Илгари Қўшкўпир туман электр тармоғи бошлиғи бўлган Отабой Полвонов 1977 йилдан бизнинг соҳамизга кириб келганди. Туман телекоммуникациялар боғламасини намунали бошқараётганига ҳам 27 йил бўлибди. Етмишинчи йиллар охирида Қўшкўпир туман боғламаси қолоқ корхона ҳисобланарди. Ҳафтада туман АТСининг гоҳ у жойи, гоҳ бу жойи бузилиб иш тўхтаб қоларди. Иқтидори ва ташкилотчилиги боис Отабой Полвонов ушбу телекоммуникациялар боғламасини илғорлар сафига кўтаришга эришди.

Туманда 17та қишлоқ АТСлари мавжуд. Учта ширкат хўжалигида сўзлашув шахобчалари очилган. Яқин орада "Тошкент" деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудида ҳам сўзлашув шахобчаси иш бошлайди.

– Раҳбаринг одил, билимли ва ишчан бўлса, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш осон бўлади, – дейди "Обод" ширкат хўжалигидаги АТС электромонтёри Иброҳим Машарипов. – Етакчимизнинг камчиликларни тузатиш бўйича кўрсатаётган йўл-йўриқлари, сафдош дўстларнинг бир-бирини қўллаши натижасида туман алоқа соҳаси ривожланди. Аслида Отабой Полвонов шу соҳанинг одамидир. Жамоамиз ҳамжиҳатликда халқнинг оғирини енгил қилмоқда, давлат ва жамиятга манфаат келтирадиган тадбирларни амалга оширмоқда.

Шунингдек, Қўшкўпир телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси Қўшназар Ҳайитбоев, электромонтёр, "Шуҳрат" медали соҳиби Эгамберган Отажонов ва бошқа мутахассислар ҳам ҳамкасблари О.Полвонов ҳақида кўпгина илиқ фикрларни билдириб уни барча ҳамкасб дўст-ёрлари қатори 55 ёши билан самимий муборакбод этдилар.

**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ**
**Хоразм вилояти**

**Суратда: Қўшкўпир телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Отабой ПОЛВОНОВ.**

# COSCOM – НУФУЗЛИ КОМПАНИЯ

***Ҳозир жаҳонни уяли телефон алоқасисиз тасаввур қилиш қийин. Бугунги кунда Ўзбекистонда симсиз уяли алоқа хизмати кўрсатадиган кўплаб корхоналар фаолият юритмоқда. Юксак технологиялар оламида техника ва технологиялар ҳар икки-уч йилда янгиланиб турганлиги боис уяли телефон компаниялари ўртасида хизматлар нархи ва сифати, мижозлар учун рақобат кураши бир зум бўлсин тўхтагани йўқ. COSCOM компанияси ташкил этилган пайтдан буён ўтган саккиз йил мобайнида тармоқни кенгайтириш ва янгилаш, оператор тармоғининг янги хизмат турларини доимий равишда кўпайтириб бориш, сифатни ошириш баробарида мақбул, "адолатли" нархларни қўллаш, бир сўз билан айтганда, нуфузли компания мақомини қўлдан бермаслик борасида тинмай иш олиб бормоқда.***

**COSCOM** компанияси ўтган 2003 йилда Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудида биринчилардан бўлиб 500 минг абонентга мўлжалланган "Alcatel 1000S12" "интеллектуал" компанияларини ишга туширганлиги, 2004 йили эса "янги сифатли тармоқ"ни қуриш даврини бошлаб берганлиги, жаҳондаги етакчи компаниялардан бўлган Motorolaнинг энг янги технологияли 64та тармоқлараро янги база станцияларини қўшимча равишда ишга тушираётганлиги фикримизнинг далилидир.

Компания томонидан алоқа сифатига ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келинган. Бу, айниқса, бугунги кунда янада муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Кўрсатилаётган хизматларнинг нархи ҳам муқобил бўлиши керак. Ахир, "Арзоннинг оши татимас", деб бекорга айтишмайдику. Шу боисдан "Жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг энг сифатли техникаларидан фойдаланамиз" шиорига амал қилиб келаётган COSCOM компанияси Motorolaнинг сўнгги авлодга мансуб Horizon II база станцияларидан фойдаланмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу станциялар Motorola компанияси томонидан 2003 йилнинг ноябридан ишлаб чиқарилмоқда. COSCOM компанияси МДҲда биринчи бўлиб мазкур база станцияларидан фойдаланаётган оператордир. Ушбу станциялар экспорти АҚШ ҳукумати назорати остидаги энг юқори даражадаги технологик ускуналар сирасига киради. У юксак даражадаги илғаш ва паст нурланиш хусусиятига эга. Танлаб олинган Motorola Horizon II моделининг GSM андозаси иккинчи авлод тармоқларидан учинчи авлод тармоқларига тадрижий ўсиб ўтиш имкониятини беради.

Яна шуниси эътиборлики, янги база станцияларини ўрнатиш COSCOM компанияси тармоғида узилишларсиз амалга оширилади, яъни монтаж ишлари олиб борилаётганда алоқа сифати ёмонлашмасдан, балки тобора яхшиланиб боради.

Касбий билимларни доимо такомиллаштириб бориш, ишлаб чиқариш жараёнларини мақбуллаштириш, мижозлар ва ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, умуман, ўз фаолиятини такомиллаштириш компаниянинг асосий мақсади ҳисобланади. Компания ижтимоий фаолиятининг устувор йўналиши ҳам ишлаб чиқаришни бошқаришнинг муҳим воситаси сифатида интеллектуаллик COSCOM компаниясининг асосий фалсафасидир.

Сифат борасидаги сиёсат компания умумий сиёсатининг устувор элементи ҳисобланади. Бу борада "Юқори сифатли хизмат кўрсатиб, мижознинг талабларини қондириш компания равнақининг гаровидир" тамойили COSCOMнинг шиорига айланган. Шундан келиб чиққан ҳолда мижознинг талаб ва эҳтиёжларини қондирувчи юқори сифатли хизматлар кўрсатиш, компаниянинг ISO 9001:2000 халқаро стандартларига ва Ўзбекистон Республикаси стандартларига мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш, мижозларга баҳосига кўра кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва кўп томонламалиги бўйича Ўзбекистон уяли алоқа операторлари ўртасида етакчиликка эришиш ҳамда пешқадамликни доимий равишда сақлаб туриш компаниянинг сифат борасидаги асосий мақсадларидан биридир.

Компания жамоаси ўз олдига мижознинг талаб ва хоҳишини доимий равишда ўрганиб ва уни ўз фаолиятида ҳисобга олиш, мижозларга хизматлар кўрсатишни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва бундай хизматлар кўрсатиш жараёнларини доимо мақбуллаштириб бориш, илғор техника ва технологияларни жорий этиш, компания бошқариш механизмини такомиллаштириш, ходимларнинг малакаси ва маҳоратини ошириш, сифатли ва ташаббускорлик ишларини мунтасил рағбатлантириб бориш, ISO 9001:2000 халқаро стандартлари асосида сифат менежменти тизими самарадорлигини доимий равишда яхшилаш ва уни ишчи ҳолатида сақлаб туриш жараёнига барча ходимларнинг жалб қилинишига кўмаклашувчи шарт-шароитлар яратиш, ишнинг пировард натижалари учун ходимлар ва компания бўлинмалари раҳбарларининг жавобгарлигини оширишдек аниқ мақсадларни қўйган.

Сифат соҳасидаги аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилаётган сиёсат компания ҳар бир ходимининг бурчи ва мижозлар олдидаги масъулияти ҳисобланади.

COSCOM мижозларга хизмат кўрсатиш турларини мунтазам равишда кенгайтириб боряпти. Шу ўринда 2004 йилнинг 1 апрелидан бошлаб "қайта йўллаш" хизматлари кўрсатишнинг янги шартлари жорий этила бошланганини мисол сифатида келтириш мумкин. Унга кўра, ойлик абонент ҳақи тўланмаган ҳолда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида АТС рақамларига, бошқа уяли операторларнинг рақамларига қайта йўлланган қўнғироқларга нархлар фойдаланиладиган тариф режасига мувофиқ ҳар бир дақиқа учун кирувчи қўнғироқ қиймати бўйича амалга оширилади. МГ ва МН рақамларга амалга оширилган қайта йўлланган қўнғироқлар учун қўшимча равишда шаҳарлараро ва халқаро тариф ундирилади, бироқ халқаро алоқа тарифлари ўзгаришсиз қолади. Эфир вақтининг белгиланган лимити доирасида амалга оширилган қайта йўлланган қўнғироқлар нул қиймат бўйича тарифланади ва эфир вақти лимитини сарфлайди. Эфир вақти лимитидан ташқари амалга оширилган қайта йўлланган қўнғироқлар абонент томонидан фойдаланиладиган тариф режасига биноан чиқувчи қўнғироқлар қиймати бўйича тарифланади.

Баъзан сизда бирор киши билан гаплашиш зарурати туғилиб қолади. Бироқ у айни лаҳзаларда мажлисда ёки телефонда овоз чиқариб гаплашиш мумкин бўлмаган бирор жойда бўлиши мумкин. Ана шундай ҳолларда COSCOM-нинг SMS хизматларидан фойдаланиш қўл келади. Қисқа хабарлар хизмати, деб аталадиган ушбу хизмат тури компания абонентларига лотин ҳарфларида 160тагача, кириллча ҳарфларда 70тагача белгили қисқа матнли хабарларни айирбошлаш имконини беради.

*[t]*

ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА ПО КОМПЬЮТЕРНЫМ ИГРАМ

# 9 ЧЕМПИОНОВ УЗБЕКИСТАНА ПОЕДУТ В САН-ФРАНЦИСКО

***21 апреля в Ташкенте в международном бизнес-центре состоялась пресс-конференция, посвященная проведению отборочного турнира WCG 2004 Uzbekistan Preliminary. Пресс-конференцию вели глава представительства Samsung Electronics Co. Ltd. в Ташкенте Ли Енг Вук, заместитель генерального директора УзАСИ Хуршид Мирзахидов, менеджер по маркетингу представительства Samsung Electronics в Ташкенте Еркин Рахимов, председатель редколлегии журнала infoCOM.UZ, председатель оргкомитета WCG 2004 Uzbekistan Preliminary Александр Сучков.***

**Узбекистан** уверенно входит в мировое информационное сообщество. Стремительное развитие информационно-коммуникационных технологий получило в нашей стране дополнительный импульс благодаря государственной поддержке. За последние два года в нашей стране появилось огромное количество интернет-кафе и компьютерных клубов, в которых любой желающий может получить доступ к сети Интернет или поиграть в популярные и захватывающие компьютерные игры. Отрадно, что молодежь Узбекистана имеет сегодня такой полезный досуг, который путем игр приобщает наше подрастающее поколение к информационным технологиям. Количество компьютерных клубов в Узбекистане сегодня исчисляется сотнями, причем имеются они не только в Ташкенте, но и во всех вилоятах страны. Успехи Узбекистана в развитии ИКТ были по достоинству оценены организационным комитетом Всемирных компьютерных игр World Cyber Game (WCG), и наша страна получила официальное приглашение на участие в играх WCG 2004. В этом году впервые наши геймеры участвуют в отборочных турнирах WCG и победители национального чемпионата поедут на Всемирный финал WCG в Сан-Франциско (США), для того чтобы в числе 68 национальных сборных побороться за главные призы Всемирных компьютерных игр – WCG 2004.

Чемпионат Узбекистана по компьютерным играм 2004 года будет проводиться в форме отборочного турнира World Cyber Games 2004 Uzbekistan Preliminary. Он является официальным чемпионатом Узбекистана по компьютерным играм и в то же время отборочным турниром World Cyber Games 2004 Uzbekistan Preliminary, который будет проводиться в мае-июле 2004 года в три этапа:

1-й этап – региональные отборочные турниры;
2-й этап – национальный финал чемпионата;
3-й этап – выступление сборной Узбекистана во Всемирном финале – Grand Final WCG 2004.

Региональные отборочные турниры чемпионата будут проводиться в пяти городах Узбекистана: Бухаре, Намангане, Самарканде, Ташкенте и Фергане. Это даст возможность практически всем игрокам Узбекистана и в столице, и в регионах на равных участвовать в отборочном турнире, что позволит объективно считать данный турнир чемпионатом Узбекистана. Отличительной особенностью является то, что участие в WCG 2004 Uzbekistan Preliminary абсолютно бесплатное. В отборочном турнире может принять участие любой гражданин Узбекистана с учетом возрастных ограничений в зависимости от игры. По оценкам организационного комитета WCG 2004 Uzbekistan Preliminary, в отборочных турнирах примет участие более 2000 геймеров со всех вилоятов Республики, но только 9 чемпионов Узбекистана поедут в Сан-Франциско для участия в Grand Final WCG 2004.

В Узбекистане организаторами отборочного турнира WCG 2004 Uzbekistan Preliminary являются:

Узбекское агентство связи и информатизации (государственная поддержка), компания Samsung Electronics (генеральный спонсор), журнал InfoCOM.UZ (организатор в Узбекистане).

Регламент и порядок проведения отборочного турнира следующий:

С 15 по 28 мая будет проводиться регистрация участников. Регистрация производится в клубах, в которых будут проводиться региональные турниры. В вилоятах это по одному клубу, а в Ташкенте – в пяти клубах по пяти официальным играм.



Первый региональный отборочный турнир будет проводиться 29-30 мая в г. Бухаре. В отборочном турнире здесь могут принять участие геймеры из Бухарского, Хорезмского, Кашкадарьинского и Навоийского вилоятов, а также из Каракалпакии.

Региональный отборочный турнир в Самарканде будет проводиться 5-6 июня. В нем примут участие игроки из Джизакского, Самаркандского и Сурхандарьинского вилоятов.

12-13 июня сразу в двух областных центрах Ферганской долины – Намангане и Фергане – пройдут региональные отборочные турниры. С учетом того, что Ферганская долина является одним из самых густонаселенных мест в мире, организаторами было решено провести турниры в двух городах. Андижанцы могут принять участие по выбору – в Намангане или Фергане.

Региональный отборочный турнир в Ташкенте будет проходить с 15 по 20 июня, в нем примут участие геймеры из Сырдарьинского и Ташкентского вилоятов.

Национальный финал будет проведен 2 июля 2004 года в Ташкенте, а 3 июля пройдет официальная церемония награждения. Победители и призеры получат медали чемпионата Узбекистана по компьютерным играм, а чемпионы Узбекистана получат право представлять Узбекистан во Всемирном финале WCG 2004 в Сан-Франциско.

**Наш корр.**

Sarkor Telecom
Internet service provider
ТВОЙ ПРОВАЙДЕР!
132-0000
WWW.SARKOR.COM

# ПОДВЕДЕНЫ ИТОГИ КОНКУРСА

**Рационализаторство** и изобретательство – одна из форм деятельности, которая аккумулирует весь потенциал специалистов, новаторские идеи, реально применяемые в производстве и дающие значительный экономический, технический эффекты.

Для более полного использования творческого потенциала рационализаторов и изобретателей в решении технических задач и повышения эффективности производства в сфере связи и информатизации вот уже несколько лет Научно-техническое общество радиотехники, электроники и связи Узбекистана проводит республиканский конкурс на "Лучшее рационализаторское предложение и изобретение в сфере связи и информатизации".

На рассмотрение конкурсной комисси в 2003 году были представлены 27 рационализаторских предложений и изобретений. Решением комиссии были присуждены:

— одно первое место за рационализаторское предложение "Передающая антенна для радиовещательных передатчиков FM диапазона 88...108 МГц" – авторскому коллективу РТПЦ в составе: Атамухамедов М.Б. – начальник, Мавлянов А.Р. – главный инженер, Мирсадыков И.И. — начальник цеха УКВ, Турсунов Р.Г. – начальник смены цеха УКВ.

— два вторых места за предложения: "Построение корпоративной вычислительной сети по волоконно-оптическому кабелю и двухмегабитному потоку (E1)", автор – Бобомурадов О. – начальник ЦТЭ филиала "Бухара Телеком" и "Автоматическое отключение и подключение абонента от выхода на АМТС", автор – Исмаилов В.В. – начальник АТС-6/ АМТС "УзИ-Джизак".

— три третьих места за рационализаторские предложения: "Усовершенствование проверки каналов ЗСЛ на любом участке АТС. МСС для выхода на АМТС", авторы: Сайфульмулюкова Р. – начальник станционной службы МУТУ и Рахманова Ш.М. – станционный инженер АТС-67/68 филиала АК "Узбектелеком" "ТШТТ", "Охранное устройство магистральных кабелей "Пантера", автор – Джураев М. – начальник ЦТ филиала "Андижон Телеком" и "Замена электропитания ЛАЦ на БП-30/27", автор – Исмаилов И.И. – ведущий инженер ЦТЭ филиала "Бухара Телеком".

Авторы, занявшие первое место в конкурсе, награждены также Почетными грамотами Узбекского агентства связи и информатизации.

Поздравляем победителей конкурса и всех его участников!

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

## МЕГАПИКСЕЛЬНЫЕ КАМЕРЫ - УЖЕ В МОБИЛЬНИКАХ



**Фототелефоны** с мегапиксельными камерами, впервые появившиеся на азиатских рынках, готовы к дебюту на мировом рынке после анонса семи новых моделей трубок на выставке CTIA Wireless 2004. Среди компаний, представивших мегапиксельные фототелефоны, - Audiovox, Kyocera, LG, Nokia, Samsung, Sony Ericsson и Motorola. Принимая во внимание тот факт, что традиционные, не встроенные мегапиксельные цифровые фотоаппараты скоро исчезнут с рынка, подобные фототелефоны можно уже рассматривать как полноценный инструмент для цифровой съемки, отмечают обозреватели.

## АКТИВНЫЙ РОСТ РЫНКА МОБИЛЬНОЙ СВЯЗИ

**Украинский** рынок мобильной связи в 2004 году сохранит высокий темп роста, набранный в прошлом году, когда число пользователей мобильной связи выросло на 78%, сказал Reuters директор по маркетингу одного из крупнейших операторов мобильной связи Украины ЗАО «Kyivstar GSM» Гарретт Джонстон. По данным Государственного комитета связи и информации, национальный рынок мобильной связи стремительно догоняет сегмент стационарных телефонов. На 31 декабря 2003 года на Украине насчитывалось около 11,23 миллиона абонентов проводной связи по сравнению с 10,89 миллиона абонентов на конец 2002 года.

*ПОЗДРАВЛЯЕМ!*

Коллектив филиала "Бухара Телеком" и областной объединенный профсоюзный комитет работников связи от всей души и сердечно поздравляют ведущего инженера по гражданской зашите и подготовке мобилизационного резерва ДЬЯЧКОВУ Нелю Николаевну с днём рождения и желают ей крепкого здоровья, долгих лет жизни, успехов в работе.

IQTISODIY SAVODXONLIK

# ИҚТИСОДИЙ АТАМА ВА ТУШУНЧАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

**(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)**

**Корпорация (корпорация, corporation, incorporation)** — Аъзоларининг у ёки бу манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган акциядорлик жамияти шакли. АҚШда барча акциядор жамиятлар корпорациялар деб аталади.

**Корреспондент (корреспондент, correspodence clerk, correspondent)** — Бошқа ташкилотларга бозорда тўла фаолият олиб бориш учун хизмат кўрсатадиган банк ёки бошқа молия ташкилоти.

**Корреспондентлик банки (банк-корреспондент, business-friend)** — Корреспондентлик шартномалари асосида бошқа банкнинг тўлов ва ҳисоб-китоблари бўйича талабномаларини бажарадиган банк.

**Котировка (котировка, quotation)** — 1) чет эл пуллари, қимматбаҳо қоғозлар ёки товарларнинг биржа нархини, курсини белгилаш; 2) қимматли қоғоз ёки товарларнинг биржада айланиши, юриши, муомалада бўлиши; 3) биржа нархлари тўғрисидаги расмий эълон.

**Кредит (кредит, credit)** — Фоизда қайтариш шарти билан вақтинча фойдаланиш учун пул маблағлари бериш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими; қарз, насия.

**Кросс-курс (кросс-курс, cross rate)** — Икки валюта ўртасидаги нисбат, ушбу валюталарнинг курси асосида учинчи валютага бўлган нисбат аниқланади.

**Купон (купон, coupon)** — 1) фоиз ёки дивиденд берилганда қимматли қоғознинг қирқиб олинадиган бир қисми; 2) вақтинча пул-тақсимлаш бирлиги.

**Куртаж (куртаж, courtage)** — Биржа битимини амалга оширганда воситачилик учун брокерга бериладиган мукофот. Куртаж ставкалари қимматли қоғозлар ва товарлар тоифасига, битимларнинг ҳажм хусусиятларига боғлиқ бўлади. Куртаж миқдорлари биржаларнинг уставлари ёки биржа битими қатнашчилари ва брокер ўртасидаги келишув билан белгиланади.

**Курс (курс, exchange, line, rate)** — Акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг олди-сотдисига қўйиладиган баҳо; қоғоз пуллар курси, уларнинг олтин валютада ёки бошқа мамлакат валютасида акс этиши.

**Кўчмас мулк (недвижимость, real estate, immovables)** — Ер, табиий ҳудудлар ва ер билан боғланган мулк. Ерга эгалик ҳуқуқлари ҳам кўчмас мулкка киради.

**Л**

**Лаг (лаг, lag)** — Харажатларни амалга ошириш ва иқтисодий самара олиш ўртасидаги вақт узилиши.

**Легитимация (легитимация, legitimation)** — 1) ҳужжатни эътироф қилиш, тасдиқлаш, тан олиш; 2) ҳуқуқни ёки ваколатни тан олиш, тасдиқлаш.

**Лизинг (лизинг, leasing)** — Машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситаларини ишлаб чиқариш биноларини, иншоотларини узоқ муддатли ижарага бериш. Ижаранинг бир тури бўлиб, муайян даврдан сўнг, ижара тўловларининг ҳаммаси амалга оширилганидан кейин ижарага олинган нарса ижарачи мулкига айланади.

**Лимит (лимит, limit)** — 1) чегара, чеклаш; 2) максимал фючерс шартнома сони; 3) бир биржа сессиясида баҳонинг максимал ўсиши ёки тушуми; 4) чекланган кредит суммаси, аниқ ресурс тури.

**Лимитед (лимитед, limited)** — Компанияларнинг ўз мажбуриятлари бўйича чекланган жавобгарлигини акс эттирувчи термин. Масъулияти чекланган жамоанинг белгиси.

**Лицензия (лицензия, license, licence)** — Баъзи хўжалик фаолияти ва ташқи савдо операцияларини бажариш учун давлат томонидан бериладиган рухсат. Янги техника ва технологияга асосан лицензия уч хил бўлади: 1) оддий лицензия; 2) махсус лицензия; 3) тўла лицензия.

**Лицензиялаш (лицензирование, licence)** — Четдан мол келтириш ёки чет элларга мол чиқариш учун давлат органлари томонидан лицензиялаш (ижозат бериш).

**Ликвидлилик (ликвидностЂ, liquidity)** — 1) нархларнинг ўзгариши билан йирик миқдордаги қимматли қоғозларнинг бозорни ўзлаштириш қобилияти; 2) компаниянинг тез ва осон сотиладиган асосий ёки айланма сармоя элементлари.

**(Давоми бор.)**

ТО`ХАТ

## САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙМИЗ



***Шу кунларда "Халқаро почтамт" акциядорлик жамиятига раҳбарлик қилиб, корхонани ҳар томонлама ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон талаблари даражасига кўтариш борасида бор билимини ишга солиб келаётган Қуролбой ака ўзининг 50 ёшини нишонламоқда.***

**Қуролбой Тулебаев** 1954 йилнинг 28 апрелида Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида таваллуд топди. 1977 йили Москва Электротехника алоқа институтини тамомлаганидан сўнг Тошкент темир йўли қошидаги почтамтга муҳандис бўлиб ишга кирди. Қуролбой ака 15 йил шу даргоҳда мунтазам фаолият олиб борди. Самарали меҳнатлари туфайли кўзга ташланиб қолган ёш мутахассис тез орада механизация участкасига бошлиқ этиб тайинланди. 1978-1987 йиллар давомида бош муҳандис вазифасида ишлаган Қуролбой акага почтамтни бошқариш ишониб топширилди.

Мустақилликнинг илк йилларидан Қ.Тулебаев иш фаолиятида катта ўзгаришлар содир бўлди. У 1992 йили "Ўзбекистон почтаси" концерни раисининг ўринбосари лавозимига тайинланди. Орадан бир йил ўтгач, Халқаро ҳисоб-китоблар ва шартномалар маркази директори ўринбосари вазифасида ишлай бошлади. Қуролбой ака ушбу вазифада беш йил фаолият кўрсатди ва шу давр ичида Марказ ишини ҳар томонлама ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Шу билан бирга, у ўз устида тинмай ишлади, билим ва малакасини узлуксиз ошириб борди.

Қуролбой Тулебаев 1995–1997 йилларда "Ўзбекистон почтаси" концерни раиси ўринбосари, 1997–2002 йиллар мобайнида эса "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директориниг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосари вазифаларида ишлаганида ҳам ўзининг ҳар томонлама чуқур билимга эга, ташаббускор мутахассис эканлигини намоён этди. Почта алоқаси технологиясига бир қанча муҳим таклифлар киритди, ишда замонавий техникаларни жорий этишда фаол иштирок этди. Муҳими, у қаерда ишламасин, аввало, меҳнатсеварлиги, намунали инсон эканлиги билан жамоадошлари орасида обрў-эътибор қозонди.

Биз Қуролбой Тулебаевни барча ёру дўстлари, ҳамкасблари номидан ушбу қутлуғ сана билан муборакбод этиб, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, ишларида бундан-да улкан зафарлар тилаймиз.

**У.ЙЎЛДОШЕВ**

## СКАНВОРД

"Хазина" газетаси томонидан тақдим этилди



KUTILMAGAN MEHMON

# Уолт Дисней

## Анимация қироли

***Болалигимизда “Сенми, шошмай тур!” мултфилмини нафақат биз, балки катталар ҳам мириқиб томоша қилишар эди. Бугун эса улғайдик, аммо телевидениени забт этган “Қирол Шер”, “Соҳибжамол ва Махлуқ”, “Денгизчи Папай”, “Том ва Жерри”, “Қўриқчи” сингари ўнлаб жаҳон мултфилмларини фарзандларимиз қатори завқ-шавқ билан кўряпмиз.***

***Шунингдек, бугунги кунда “Уолт Дисней намойиш этади” туркумидаги мултфилмлар қаҳрамонлари – қувноқ сичқонча Микки Маус, чаққон Пиноккио, гўзал Қорқизни ким билмайди дейсиз? Бироқ уларнинг яратувчиси Уолт Дисней ҳақида барча ҳам маълумотга эга бўлмаса керак. Ушбу саҳифада бу ажойиб инсон билан сизларни яқиндан таништиришга ҳаракат қиламиз.***

### Муҳтожликдаги болалик

Уолт Дисней 1901 йилнинг 5 декабрида Чикаго шаҳрида туғилган. У келиб чиқиши бўйича ирландиялик бўлиб, камбағалроқ оиланинг тўртинчи фарзанди эди. Уолтнинг онаси Флора ўқитувчи, отаси Элиас Дисней эса ёлланма ишчи эди. Элиас сержаҳл, қаттиққўл одам бўлган. Миссуридаги фермага кўчиб ўтганларидан сўнг у болаларини аёвсиз ишлатган, бўйсунмаганларини эса шафқатсиз жазолаган. Шу боис Уолтнинг қийинчиликларга чидай олмаган иккита акаси уйдан қочиб кетишади. Орадан 4 йил ўтиб ферма хонавайрон бўлгач, Диснейлар оиласи Канзас-Ситига кўчиб ўтади. Бу ерда Элиас ўғиллари — Рой ва Уолт ёрдамида газета тарқатиш билан шуғуллана бошлайди. Ўшанда Уолт эндигина 10 ёшга тўлган эди. Катта акаларидан ўрнак олган Рой ҳам тез орада оиласини тарк этади...

Болалик чоғлариданоқ Уолтда расм чизишга иштиёқ кучли эди. Бунинг учун ҳеч қандай воситаларга эга бўлмагани боис биринчи расмини ўзлари яшаб турган уйнинг деворига оддий мум ва таёқ ёрдамида чизган. Доимий мулоқотда бўладиган тенгдошларининг йўқлиги, бунинг устига акаларининг кетиб қолганлиги ундаги тасвирий санъатта бўлган иштиёқни янада кучайтирди. У асосан комикслар чизар, бу эса ўзининг содиқ дўстларини ифодалашга бўлган интилиш эди. Бироқ ўғлининг истеъдоди жоҳил ота қалбини юмшата олмади. Элиас рассомликни ўлгудек ёмон кўрарди, шу боис фарзандининг расм чизаётганини кўриб қолгудек бўлса, уни қаттиқ жазоларди. Шунинг учун ҳам Уолт карикатура дарсларига отасидан яширин равишда қатнай бошлади. Биринчи жаҳон уруши тугаши арафасида Диснейлар оиласи яна Чикагога қайтди ва 16 ёшли Уолтда ўз истеъдодини намоён қилиш учун имкониятлар эшиги очилди. У маҳаллий мактабларнинг бирида суратлар бўйича кичик ношир сифатида ишлай бошлади.

Кейинчалик Уолт Канзас-Ситига қайтиб карикатурачи бўлишга аҳд қилди, бироқ маҳаллий “Канзас-Сити Стар” газетасидан рад жавобини олгач, “Песмен-Рубин” реклама фирмасида ишлай бошлади ва бу ерда бўлғуси ҳамкори — рассом Уббе Иверкс билан танишди. 18 ёшида унда анимация (мултфилм)га қизиқиш уйғонди. У яратган мушук — Феликс кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлгани боис Уолт 1920 йилда кино учун мултипликацион реклама роликлари тайёрловчи “Канзас-Сити” кинокомпаниясига безакчи рассомликка ишга олинди. Айнан шу ерда Дисней анимация қонун-қоидаларини ўрганди. Шу тариқа анимация тарихидаги буюк саҳифа очилган эди.

### Орзунинг ҳақиқатга айланиши

Киноанимацияни ўрганишга киришар экан Дисней ўзига муносиб касб танлаганини англаб етди. У 1922 йили Уббе Иверкс билан ҳамкорликда қисқа метражли анимацион филмлар яратишга мўлжалланган “Лаф-О-грам” студиясига асос солди. Дўстлар эски кинокамера ёрдамида маҳаллий кинотеатрда филмлар намойишидан олдин кўрсатиладиган бир-икки дақиқали мултипликацион реклама роликлари ярата бошлашди. Улар фаолиятининг эътиборли томони шундаки, янги персонажлар яратиш ўрнига “Уч айиқ”, “Олтинсоч малика” каби болаларнинг севимли эртак қаҳрамонларини тасвирга туширишди. Бироқ ўзларининг биринчи тўлиқметражли филмини суратга олишни якунлаб улгурмасларидан уларнинг дистрибютори инқирозга учради.



Шунда Диснейда оламшумул ғоя туғилди: у мултфилмга жонли инсон образини жойлаштиришга қарор қилди. Гап мултфилм оламига кириб қолган қизалоқ-актриса — “Алиса саргузаштлари” ҳақида кетяпти. Шундай қилиб, 1923 йилда Дисней ўз ғоясини сотиш учун Ҳолливудга йўл олди. Ўшанда унинг чўнтагида бор-йўғи 40 доллар пули бор эди, холос.

Туғилиб келаётган Ҳолливуд киносаноати учун фақат ҳақиқий истеъдодлар керак эди. Аммо Диснейга Ҳолливудни забт этиш осон кечмади. Қатор тўсиқларга учраганидан сўнг, у Лос-Анжелесда тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. Ўшанда унда икки имконият, яъни анча сармояга эга акаси ва “Алисанинг саргузаштлари” ғояси бор эди. 1923 йили ушбу филм лойиҳаси билан танишган нью-йорклик дистрибютор Маргарет Уинклер ғояни экранлаштиришга қизиқиб қолади ва ҳар бирига 1500 доллар тўлаш шарти билан олтита филмга буюртма беради. Шундан сўнг Уолт ва акаси Рой амакисининг гаражида “Ака-ука Диснейлар” анимация студиясини очишиб, филмларни суратга олишади. Бу филмлар уларга улкан тижорий муваффақият келтириб, Диснейга катта санъат олами эшикларини очди.



“Алисанинг саргузаштлари” устидаги ишлар тугагач, Дисней ўз компаниясида ишловчи Лиллиан Баундсга уйланди. Айни пайтда М.Уинклер компания ишларини эри Чарлз Минцга топширди. Дисней кулгили қуён тимсолини яратди ва Минц уни “Освалд, бахтли қуён” дея номлади. Освалд тез орада муваффақиятга эришган қисқаметражли филмлар қаҳрамонига айланди. Бироқ тузилган янги битим Диснейнинг филмга муаллифлик ҳуқуқларидан маҳрум этди. Шундан сўнг, у ҳеч қачон ҳеч кимга ишламайман, деб ўзига-ўзи сўз беради.

### Микки Мауснинг туғилиши

Минц билан муваффақиятсиз ҳамкорликдан сўнг Уолт ва Лиллиан Диснейлар Калифорнияга қайтишди. Шунда Уолт агар янги қаҳрамон яратмаса студиясини ёпишга тўғри келишини англаб етади. Уолтнинг карикатураси асосида Уббе Иверкс узоқ уринишлар натижасида яратган ёқимтой сичқонча тимсоли дунё юзини кўрди ва унга Микки Маус деб ном беришди. Сичқонча иштирокидаги дастлабки “Телба самолёт” ва “Беўхшов йўрғалаш” мултфилмлари кутилган натижани бермади, бироқ “Вилли пароходи” мултфилми анимация тарихида туб бурилиш ясади. Гап шундаки, Дисней Миккини нафақат ҳаракатлантирди, балки гапиришга ҳам ўргатди. “Вилли пароходи”ни яратиш учун катта меҳнат ва маблағ сарфланди. Лойиҳани амалга ошириш учун Уолт, ҳатто, севимли спорт машинасини ҳам сотди.

Қилинган меҳнатлар ўз мевасини бермай қолмади. Филм премераси бўлиб ўтган 1928 йилнинг 18 ноябридан сўнг Уолт Диснейнинг ўзи овоз берган Микки Маус тимсоли бутун Американинг миллий ғурурига айланди. Жаҳоннинг миллионлаб болалари Микки Маус қиёфасида ўз дўстини топишди. Муваффақиятлардан руҳланган Дисней ҳар ойда Микки Маус иштирокида янги мултфилмлар чиқара бошлади.

1930 йили Уолт Дисней ва “Коламбия Пикчерз” ўртасида шартнома тузилгач, ушбу компания унинг филмларини бутун дунёга машҳур қилди. Шундан сўнг Дисней ўз сичқончаси ҳақида китоб ёзди, АҚШ ва чет элларда Микки Маус клубларини очди. Микки Маусни Италияда – Тополино, Испанияда – Мигел Ратончито, Швецияда – Мусс Пигг, Японияда эса Мики Кучи деб аташарди.

30-йилларнинг бошларида даромадларнинг ўсиши Дисней студиясига анимация сифатини яхшилаш имконини берди. Дисней ўз филмлари нафақат тижорий маҳсулот, балки санъатнинг янги тури эканлигига ишонч ҳосил қилди. 1932 йили унинг студияси анимация мактабини очди ва Дисней ўз услуби бўйича, киноматография техникаси сўнгги янгиликлари асосида таълим бера бошлади. Худди шу йили Дисней “Гуллар ва дарахтлар” филмини яратди. Ушбу мултфилм учун у илк “Оскар”ини (умуман олганда, Дисней жами 48та “Оскар” олган) қўлга киритди...

50-йиллар ўрталарида Дисней телевидение бозорини забт эта бошлади. 1954 йили у Эй-Би-Си билан узоқ муддатли шартнома имзолаб, телевидениеда пайдо бўлган илк Ҳолливуд етакчи продюсерига айланди.

### Сеҳрли қиролликнинг барпо этилиши

Барибир Дисней тинчлана олмасди. Унинг юраги яратувчанлик ишқи билан ёнарди. Фақат уни қандай амалга оширишни билмас эди. Ниҳоят, бир куни қизларининг завқ билан арғамчи учаётганини кўриб, унда ота-оналар ва болалар биргаликда қувноқ дам олишлари учун ажойиб боғ яратиш ғояси туғилди. У режасини амалга ошириш учун Лос-Анжелесдан 25 км. жанубда жойлашган 25 гектарлик Аннахейм апелсинзорини сотиб олди. Лойиҳа қиймати 17 миллион долларни ташкил этгани учун унга сармоя ажратишга журъат этувчилар топилмади. Шунга қарамасдан Уолт Дисней тушкунликка тушмади. У ғоясини амалга ошириш учун ўз шахсий маблағлари эвазига “Уолт Дисней Инк” компаниясини ташкил этди. Бу орада Эй-Би-Си телеканали ҳам ҳозиргача тенгсиз ҳисобланган Диснейленд қурилиши пайчилари сафига киришга розилик билдирди.

1955 йилнинг 17 июлида бўлиб ўтган Диснейленднинг очилиш маросими телевидение орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Истироҳат боғи одамларда жуда катта таассурот уйғотди. Дастлабки ҳафтадаёқ келувчилар сони 170 мингдан ошди. Шундай қилиб, Диснейленд Америкадаги энг йирик дам олиш масканига айланди. 1959 йилгача бу ерга 5 миллион киши ташриф буюрди.

### Уолт Дисней олами

1962 йилга келиб Уолт Дисней компанияси тайёрлаган телешоулар сони 500дан ошди. Бу пайтда даромаднинг тенг ярми филмлардан тушаётган бўлса, учдан бири Диснейленд фаолиятидан, қолганлари эса телешоу ва маҳсулотлар лицензиясидан келар эди. Аммо Уолт бу билан чегараланиб қолмади. Диснейленд кўплаб америкаликлар учун жуда ҳам олислик қилаётгани боис у Флорида штатининг Орландо шаҳри яқинида 11000 гектар жойга истироҳат боғи – Диснейуорлд қуришга аҳд қилди. Ушбу лойиҳа асосидаги ишлар 1965 йилда бошланди. “Бу биз 42 йил давомида амалга оширган лойиҳаларнинг энг йиригидир”, деган эди ўшанда Дисней. Янги боғ асосчилари дам олиш уйлари, меҳмонхоналар, ҳатто келажак жамияти макети ва турли мамлакатларнинг махсус павилонларидан иборат шаҳар макетини тайёрлашди. Яратилишига 400 миллион доллар сарфланган ушбу улкан боғ 1971 йилда очилди. Аммо Уолтга Диснейуорлд, яъни “Дисней олами”ни кўриш насиб этмади. Тириклигидаёқ америкаликлар рамзига айланган бу инсон 1966 йилнинг 15 декабрида 65 ёшида ўпка саратонидан вафот этди.

**Усмон ЙЎЛДОШ тайёрлади**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги**

**Бош муҳаррир:**
**Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Иззат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Раҳимжон ТУРҒУНОВ
Алишер ХЎЖАЕВ
Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
*Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.*
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
*Тижорий материал — t.*
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
*Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.*
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манзилимиз:** 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42. **E-mail:** *orif@infonet.uz.*
Нашр кўрсаткичи — 227; 228.
Жума кунлари чиқади.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

568-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Алади 6448 нусха.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

**Саҳифаловчи:** Ш.КИМСАНБОЕВ.

**Матн терувчи:** Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.